



Аллох таоло: «**Куръон тиловат килганда уни тингланглар ва жим туриглар, шояд, рахматга эришсангиз**» (Аъроф, 204), деган.

Ушбу оятдан уламоларимиз Куръони Карим тиловат килинганда унга жим туриб кулок осиб вожиблиги хакидаги хукми чикарганлар.

Ханафий мазхаби уламолари эса намозда имом кироат килганида, иктидо килувчилар жим кулок осиб лозим, деб хукм чикарганлар.

Умуман, Куръон Аллохнинг каломи, уни ўқиш, тинглаш, ўрганиш ва унга амал килиш зарурий ишдир. Хар бирининг ўзига яраша зарурати ва халовати бор.

Хар бир мўмин-мусулмон Куръони Карим тиловати кулогига тушиши билан Аллох таолонинг ушбу оятдаги амрини эсга олиб, дархол уни тинилаши ва жим туриши вожиб.

Абдуллох (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«**Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам):**

«**Менга кироат килиб бер**», дедилар.

«**Эй Аллохнинг Расули, сизга нозил бўлган нарсани сизга кироат килиб бераманми?!**» дедим.

«**Мен уни ўзимдан бошқадан эшитишни хохламан**», дедилар.

Бас, мен «Нисо»ни кироат килдим. Качонки «**Хар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сени уларнинг хаммасига гувоҳ этиб келтирган чоғимизда хол кандок бўлур?!**»га етганимда:

«**Кифоя (ёки тўхта)**», дедилар.

**У Зотнинг икки кўзлари ёш тўкаётганини кўрдим**».

Икки шайх ривоят килишган.

*Шарх:* Набий (соллalloху алайхи васаллам) ўзларига нозил бўлган Куръони Каримни Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)га ўқитиб эшитганларидан кейин хар кандай одам Куръони Карим тиловатини эшитиши зарурлиги келиб чиқади.

Набий (соллalloху алайхи васаллам) Куръони Каримни тадаббур ва хушуъ билан эшитганларидан кўзларидан ёш тўкилган. Бас, шундок экан, у Зотнинг умматлари хам шунга ўхшаш холда бўлмоғи керак. **Ушбу хадисдан олинadиган фойдалар:**

1. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) ўз сахобаларидан баъзиларига «Менга кироат килиб бер», деганлари.

2. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) Куръони Карим тиловатини ўзларидан бошқадан эшитишни хохлаганлари.

3. Расулulloх (соллalloху алайхи васаллам) Куръон тиловатини кўзларидан ёш тўккан холда тинглаганлари.

4. Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху)нинг фазллари.

Анас (розияллоху анху)дан ривоят килинади:

«**Набий (соллalloху алайхи васаллам) Убай ибн Каъбга:**

«**Аллох таоло сенга «Лам якуниллазийна кафаруу»ни кироат килиб беришимни амр килди**», дедилар.

«**Сизга менинг номимни айтдимми?!**» деди.

«**Ха**», дедилар.

**У йиглаб юборди**».

Муслим ва Термизий ривоят килишган.

Шарх: Ушбу икки хадиси шарифдан Куръони Каримни тинглаб туриш мустахаб амал экани чикади. Куръони Карим тиловатини тингловчи жим туриб хушуъ ва тадаббур билан тинглаши керак. Ибрат ва насихат олиши керак.

Ушбу хадисдан олинадиган фойдалар:

1. Аллох таоло Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га Убай ибн Каъб розияллоху анхунинг номларини айтгани.
2. Аллох таоло Набий (соллаллоху алайхи васаллам)га «Лам якуниллазийна кафаруу»ни кироат килиб беришни амр килгани.
3. Убай ибн Каъб (розияллоху анху)нинг фазллари.